




БАМИЯ ЎСИМЛИГИНИ УНУВЧАНЛИГИ БЎЙИЧА ИЗЛАНИШЛАР

Сулаймонов Рустам Шенникович

Толали экинлар илмий тадқиқот институти т.ф.д, профессор

Унгаров Азизбек Абдумўмин ўғли

Гулистон давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17356631>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 5-oktabr 2025 yil
Ma'qullandi: 9-oktabr 2025 yil
Nashr qilindi: 15-oktabr 2025 yil

KEY WORDS

Бамяя ўсимлик, бўз тупроқ, унувчанлик, К-338, К-268, К-207, К-335, К-278, К-147, К-199, К-299, К-283, К-331 навлар.

ABSTRACT

мақолада Республикамиз шароитида бамяя ўсимлигидан тола олиш мақсадида етиштириш агротехнологиясини ўрганиш учун турли мамалакатлардан келтирилган уруғларни экиш услуги ва ривожланиш босқичларининг натижалари келтирилган. Бунда Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида бамяянинг 10 хил навини дала шароитидаги унувчанлиги ўрганилган бўлиб, юқори унувчанлик Испаниянинг "К-299", Аргентинанинг "К-235" ва Гананинг "К-283" навларида 84,3 % ни ташкил этди.

Кириш. Бамяя- толали экинлар туркимига кирувчи ўсимлик ҳисобланади [1]. Бамяя ўсимлигидан тайёрланган маҳсулотлар намликни ўтказиш хусусиятларга эга бўлиб, бошқа турдаги техник ўсимликлардан фарқлидир.

Бамяя ўсимлиги поясидан оқ дағал тола олинади. Текстил саноатида толасидан ип калава, матолар, арқон ва ўт ўчириш учун ишлатиладиган эгилувчан шланглар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Қоғоз саноатида асосан клей сифатида ишлатилади [2]. Мебел саноатида толалардан турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Ўсимликнинг меваси серҳосил бўлиб, меваси таркибида углевод, оқсил, мой, темир, калций, тиамин, икотинамид, рибофлавин ва аскорбин кислотаси мавжуд.

Бамяя ўсимлигидан олинadиган тола экологик тоза маҳсулот ҳисобланади.

Мазкур ўсимлик Ўзбекистонда илк бор 1992 йилда ундан озиқ-овқат маҳсулотини олиш учун етиштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги "2020-2030-йилларда Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармонида қишлоқ хўжалигига интеграциялашган билим ва ахборотнинг янги самарали шакллари қўллашга доир вазифалар ҳам белгилаб берилган.

Бунда ноанъанавий тола ва сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчиликни ривожлантиришда юқори ҳосилдор, касалликка чидамли, сифатли ва қимматли тола ва озуқага бой навларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда ўсимликнинг баъзи турлари Сирдарё, Самарқанд, Андижон ва Тошкент вилоятларида ўртача 200 гектар майдонда етиштирилади. Ўсимликнинг етиштирилишидан асосий мақсад, мевасидан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан иборат. Лекин ўсимликнинг қайси тури ва нави толали экинликка бой эканлиги, поясидан қанча ва қандай тола олинади, толасидан мамлакатимизда қайси

соҳада фойдаланиши бўйича кенг доирада илмий-тадқиқот ишлари деярли ўтказилмаган ва натижалар олинмаган.

2023 йил 10 май куни Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Толали экинлар илмий тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш таклифи билдирилди ва шу муносабат билан Толали экинлар илмий тадқиқот институти ташкил этилди. Институтда янги йўналишдаги толали экинлар бўйича тадқиқот ишлари йўлга қўйилди. Бошқа толали экинлар қатори бамияни ҳам бир неча навлари экилиб, уни парваришlash агротехнологияси, тола олиш механизмларини ишлаб чиқиш борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Адабиётлар шарҳи. Бамия, -гулхайридошлар оиласига мансуб бўлиб, бир йиллик ўсимлик ҳисобланади. Ўсиш шароитига қараб, бамиянинг бўйи 1,2 метрдан 2,5 метргача боради. Ўсимлик танасининг йўғонлиги 5 мм дан 25 мм гача бўлиб, туклар билан қопланган. Барглари панжасимон бўлиб, 3-7 бўлакли, узун бандли, гуллари йирик, оқ, сариқ ёки пушти, косачаси икки қават, якка- якка барг қўлтиғида ва поя учигача ва тожбарглари қат-қат жойлашган, гулбарглари тўғри 5 бўлакли, икки жинсли, чангчилари жуда кўп, ипчалари туташ, уруғчиси битта. Ташқи кўриниши ва гуллаши билан ғўзага ўхшайди. Ватани – Шарқий Африка. Навлари сабзавот ва тола берадиган гуруҳларга бўлинади. Ҳиндистон, Африка ва АҚШ давлатларида тола олинадиган навлари экилади. Европа ва Осиёнинг ўрта минтақаларида ўсимликнинг 12 тури экилади.

Ўсимлик июнь – август ойларида гуллайди, июль – сентябр ойларида уруғлайди. Турларига қараб мевасини узунлиги 150 мм дан 220 мм гача, эни 6 мм дан 60 мм гача бўлиши мумкин. Мевасининг 20- 30 мм катталигидан бошлаб, барралигида сабзавот кўкат тарзида суюқ овқат ва салатларга ишлатилиши мумкин [3]. Мевасини хомлигича ейиш, пишириш, қовуриш, консервациялаш мумкин. Тропик, субтропик мамлакатларда, Шимолий Америка, Жанубий Европа, Закавказье, Крим, Украинанинг жануби, қисман Марказий Осиёда, асосан, сабзавот экини сифатида етиштирилади [4, 5].

Натижалар ва мунозаралар. Бамия ўсимлиги бўйича тажрибалар Тошкент вилояти Қибрай туманининг типик бўз тупроқли дала шароитида олиб борилди. Бунда ўсимликнинг 10 та навини парваришlash агротехникаси – унувчанлиги, ўсиши, ривожланиши ва тола ҳосилдорлиги ўрганилди.

Тажриба- тадқиқотлар ишларини олиб боришда “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур”, “Дала тажрибаларни ўтказиш услублари” каби услубий қўлланмалардан фойдаланилди.

Дала шароитида экилган уруғларнинг унувчанлиги тупроқ ҳарорати, таркиби, хусусияти, уруғларни экилиш сифати, экологик ва агротехник кўрсаткичлари билан узвий боғлиқ. Ҳарорат эса ўсимлик уруғларининг униб чиқиши учун асосий омиллардан бири ҳисобланади. Кўпчилик экинлар уруғидан униб чиқиши учун юқори ҳарорат керак бўлади, айримлари эса муайян ҳарорат оралиғида яхши униб чиқади. Бамия эса намликка, иссиқликка ва ёруғликка талабчан ўсимлик ҳисобланади. Транспирация коэффиценти 500-600 бирликка тенг. Бамия ўсимлиги иссиқсевар ҳисобланиб, тупроқ ҳарорати 15-18° га етганда экилади. Бамияни маҳаллий шароитда апрел ойининг 2-чи яримида экилса, тупроқнинг табиий намлиги ҳисобига майсаларни униб чиқиши яхшиланади.

Бамия экилишида бир гектарга 12-14 кг уруғ сарфланади. Уруғлар 4-5 см чуқурликка экилади.

2025 йил 15-16 апрел кунлари қатор ораси 70 см, кўчат ораси 15 см бўлган схема асосида Бамия толали ўсимлигининг уруғи экилди (1- расм). Бамия ўсимлиги 10 хил турдан (К-338, К-268, К-207, К-335, К-278, К-147, К-199, К-299, К-283, К-331) иборат

бўлганлиги учун экиш услуби 3 марта қайтарилишда рандомлаштирилган кўринишдаги схема асосида экилди (1- жадвал).



а). Ерни экишга тайёрлаш



б). Бамяя уруғини экиш

1- расм. Ерни экишга тайёрлаш ва Бамяя уруғини экиш ишлари
12-куни униб чиқиши кузатилди. Уруғни дала унувчанлиги ҳар 3 кунда аниқлаб борилди. Тупроққа қадалган уруғ 20-22 кундан сўнг тўлиқ униб чиқди.
7 май ҳолатида унувчанлик даражаси 57,6- 84,3% бўлиб, юқори унувчанлик Испаниянинг “К-299”, Аргентинанинг “К-235” ва Гананинг “К-283” навларида 81,6 – 84,3% ни ташкил этди (2- расм). Ушбу навларнинг



а)



б)

2-расм. Унувчанликни ҳисоблаш давридаги ўсимликнинг ҳолати.

а). 28-апрел ҳолатида, б). 7-май ҳолатида.

унувчанлиги бошқа навларга нисбатан ўртача 26 (абс)% га юқори бўлганлиги аниқланди. энг паст унувчанлик эса 57,6% бўлиб, Бангладешнинг “К-147” навида кузатилди (жадвал).

жадвал

Унувчанлик бўйича кузатув натижалари

Кузатув санаси	Уруғларни ўртача униб чиқиши, %									
	К-338	К-268	К-207	К-335	К-278	К-147	К-199	К-299	К-283	К-331

28 апрел	28,6	30,4	21,6	24,3	18,5	16,2	27,8	29,3	30,1	28,4
01 май	37,9	39,1	31,8	37,6	28,3	23,9	36,8	40,1	38,5	36,3
04 май	51,4	53,4	43,9	52,6	40,3	45,6	51,2	55,0	54,2	49,2
07 май	78,2	80,6	59,3	82,8	58,7	57,6	78,6	84,3	81,6	79,7

Хулоса. Тошкент вилояти Қибрай тумани дала шароитида типик бўз тупроққа экилган бамия ўсимлигини 10 хил турдаги уруғининг унвчанлиги бўйича ўтказилган фенологик кузатувлар натижаси, ўсимликнинг Испаниянинг “К-299”, Аргентинанинг “К-235” ва Гананинг “К-283” навларида унвчанлик, қолган турларига қараганда юқори бўлиб, 81,6 – 84,3% ни ташкил этганлиги ўрганилди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Е.К. Ёебов, К.Г.Санто, Д. Афрех-Нтиамоа, Е. Акка. Продуктивность окры (*Abelmoschus esculentus*) в зависимости от органического и неорганического питания при различном междурядном расстоянии.
2. Миршарипова Г. “Ўсимликшунослик” фани бўйича ўқув –услубий мажмуа. Гулистон-2018.
3. М.Дерьяева. Корневая система бамии и особенности поглощения питательных веществ из почвы. Ж. Сельскохозяйственные науки, №4, 2025. г.Ашхабад, Туркменистан.
4. Kumar R., Sharma V., Malik D. Growth and yield performance of okra under different agroclimatic conditions//Agricultural Science Review.-2013-Vol. 32, №4.- P. 250-255.
5. Patel R., Meena B., Integrated nutrient management in okra for enhanced yield. Indian journal of Agronomy.- 2021- Vol. 66. №2. -P. 254-259.